

**КИЧИК БИЗНЕС ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА
БИЗНЕС МУҲИТИНИ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ****Махмудова Дилбар Рахмоновна**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7375852>

Аннотация. Мазкур мақола кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириши орқали бизнес муҳити ва рақамли иқтисодиётни шакллантириши муаммоларига бағишланган бўлиб, унда бизнес инфратузилмасини шакллантириши асосида бозор инфратузилмасининг янги таркибий бўғинларини яратиши хусусида тўхталиб ўтилган. Бизнес инфратузилмаларни ривожлантиришида давлатнинг сиёсати ва вазифалари очиб берилган. Бизнес муҳитини яхшилашда вилоят ҳокимликларининг қандай чоратадбирларни амалга оширишлари лозимлиги босқичма-босқич очиб берилган. Бозор инфратузилмасининг диверсификациялашувида рақамли иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамияти атофлича ўрганилган. Муаллиф томонидан рақамли иқтисодиёт асосида виртуал муҳитнинг инфратузилмалар фаолиятига кириб бориши ва бизнес муҳитининг кенгайиши механизми ишлаб чиқилган. Инфратузилмаларни ривожлантиришида эркин иқтисодий зоналар ва кичик иқтисодий зоналарнинг аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, бу иқтисодий зоналардаги вазият ва муаммолар аниқланган. Муаллиф тадқиқотлари асосида бизнес муҳитини яхшилаш формуласи ишлаб чиқилган ва мавзу юзасидан илмий-амалий аҳамиятга эга хулоса ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, бизнес инфратузилмаси, бозор инфратузилмаси, бозор воситалари, бизнес муҳити, рақамли иқтисодиёт, виртуал муҳит, интернет тизими, инвестиция, ишибилармонлик муҳити, эркин иқтисодий зона, кичик саноат зоналари, инвесторлар.

**ФОРМИРОВАНИЕ БИЗНЕС-СРЕДЫ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ НА ОСНОВЕ
РАЗВИТИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ МАЛОГО БИЗНЕСА**

Аннотация. Данная статья посвящена проблемам формирования бизнес-среды и цифровой экономики через развитие инфраструктуры малого бизнеса, а также созданию новых структурных звеньев рыночной инфраструктуры на основе формирования бизнес-инфраструктуры. Раскрываются политика и задачи государства в развитии бизнес-инфраструктуры. Пошагово выявлено, какие меры должны предпринять региональные власти для улучшения бизнес-среды. Детально изучены роль и значение цифровой экономики в диверсификации рыночной инфраструктуры. На основе цифровой экономики автор разработал механизм проникновения виртуальной среды в деятельность инфраструктур и расширения бизнес-среды. Изучено значение свободных экономических зон и малых экономических зон в развитии инфраструктуры. Также определено положение и проблемы в этих экономических зонах. На основе исследования автора была разработана формула улучшения бизнес-среды, представлены выводы и предложения, имеющие научное и практическое значение по теме.

Ключевые слова: малый бизнес, бизнес-инфраструктура, рыночная инфраструктура, рыночные инструменты, бизнес-среда, цифровая экономика, виртуальная среда, интернет-система, инвестиции, бизнес-среда, свободная экономическая зона, малые промышленные зоны, инвесторы.

FORMATION OF BUSINESS ENVIRONMENT AND DIGITAL ECONOMY BASED ON DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS INFRASTRUCTURE

Abstract. This article is devoted to the problems of forming the business environment and digital economy through the development of small business infrastructure, and it focuses on the creation of new structural links of the market infrastructure based on the formation of business infrastructure. The policies and tasks of the state in the development of business infrastructure are revealed. It has been revealed step by step what measures regional governments should take to improve the business environment. The role and importance of the digital economy in the diversification of the market infrastructure has been studied in detail. Based on the digital economy, the author has developed a mechanism for the penetration of the virtual environment into the activity of infrastructures and the expansion of the business environment. The importance of free economic zones and small economic zones in infrastructure development has been studied. Also, the situation and problems in these economic zones are defined. Based on the author's research, a formula for improving the business environment was developed, and conclusions and proposals of scientific and practical importance were presented on the topic.

Keywords: small business, business infrastructure, market infrastructure, market instruments, business environment, digital economy, virtual environment, internet system, investments, business environment, free economic zone, small industrial zones, investors.

КИРИШ

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бизнес инфратузилмасини шакллантириш жараёни мамлакат хўжалигини юритишдаги бозор инфратузилмасининг янги таркибий бўғинларини яратиш ва шу билан бирга, амалдаги бозор воситаларидан бошқа тармоқларда ҳам фойдаланиш ҳисобига кечади. Амалдаги бозор воситаларидан фойдаланиш зарурати ҳамда уларни қўллаш соҳасининг кенгайиши иқтисодий ривожланишнинг мантиқи билан белгиланади.

Ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган бозор инфратузилмаларини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадларида ҳукумат томонидан бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Айни пайтда мамлакат Президенти томонидан қабул қилинган ПФ-5780-сонли фармонига кўра давлат механизми фаолиятини кучайтириш, бошқарув идораларида ижро механизми яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу жумладан, қуйидагилар барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалари этиб белгиланди:

– тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг сўзсиз бажарилиши, мулк ва бошқа мулк ҳуқуқлар бузилишига йўл қўйилмаслиги тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

– аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш, шунингдек, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлар билан ишлашни кучайтириш;

– фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва нотураржой объектлари негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, ер участкаларини белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали ажратишда кўмаклашиш;

– тадбиркорлик субъектларининг молиявий, товар ва хомашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши, инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштиришида амалий ёрдам кўрсатиш;

– тадбиркорлик субъектлари учун мавжуд имкониятлар, имтиёзлар ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, давлат идораларининг расмий веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб бориш;

– Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда консултатив ёрдам ва ахборот жиҳатдан таъминлаш, тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича жойларда семинар-тренинглار ўтказиш;

– тадбиркорларга бизнес форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашиш, уларда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

– тадбиркорларга ишончли шериклар ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари учун янги бозорларни топишда, экспорт салоҳиятини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш.

Ушбу фармоннинг мазмунидан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларининг кенг ривожланишини таъминлаш ва бизнес муҳитининг қулайлаштириш йўлида бозор инфратузилмалари фаолиятини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бизнес муҳитини нафақат ҳукумат, балки маҳаллий бошқарув идоралари ёрдамида ҳам яхшилаш мумкин. Бунинг учун ҳудудий-маҳаллий шароитларни ўрганиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади:

– маҳаллий иқтисодиётнинг йиллик ҳисоботларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражасини таҳлил этиш;

– маҳаллий қўламда капитал бозорининг ишлашини таъминлаш ва унга керак бўлган тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

– маҳаллий миқёсда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари билан инфратузилмалар ўртасида юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш.

– Савдо-саноат палатаси томонидан тайёрланадиган ҳисоботларда инфратузилмалар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни киритиш ва таҳлил этиш.

Шу билан бирга, ҳудудларда ва йирик шаҳарларда фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари ривожини таъминлайдиган ва кафолатлайдиган индекс кўрсаткичларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жараённи мониторинг қилишни ҳудудлардаги вилоят ҳокимлиги таркибидаги ахборот-таҳлил бўлимлари томонидан ташкиллаштириш зарур бўлади.

Эътироф этиш керакки, бугунги кунда маҳаллий бошқарув идораларининг кичик бизнес субъектларига кўмаклашувчи функционал вазифаларини кучайтиришлари шарт. Бошқача айтганда, маҳаллий бошқарув орган раҳбарлари бажарилган эмас, балки бажарилмаган ишлар учун масъул бўлишлари керак. Қолаверса, энди бажарилиши керак


бўлган ишларни стратегик жиҳатдан мақбул қарорларини ишлаб чиқишлари давр тақозосидир.

Бугунги кунда бозор инфратузилмасининг диверсификациялашувида рақамли иқтисодиётнинг алоҳида ўрни бор. Чунки рақамли иқтисодиёт туфайли виртуал муҳит ривожланади. Бу эса бозор хизматларининг электрон шаклларини тобора кенгайтиришига олиб келади. Натижада кичик бизнес субъектларининг фаоллиги ошади. Виртуал муҳит инфратузилма объектлари таркибига қирмоқда ва бизнес муҳитининг таркибидан ҳам жой олмоқда (1-расм). Энг муҳими, ўз-ўзидан мамлакатдаги бизнес муҳитининг ҳам ўзига хос қулайлашуви рўй бермоқдаки, бунинг оқибатида глобал муносабатларнинг ривожини авж олмоқда.

Фикримизча, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим. Интернет тизимини фаоллаштириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш зарур. Бунинг натижасида электрон узатишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш фаоллашади. Кенг полосали уланишнинг оптик тармоқларини ривожлантириш ва мобил алоқа тармоғини модернизация қилиш учун қулай шарт-шароитлар таъминланади. Бу эса кичик бизнес субъектлари фаолияти учун янада қулай шароит бўлиб, жаҳоннинг турли давлатлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларни тез ва ихчам амалга ошириш имконияти юзага келади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

2019 йил июль ойида Ўзбекистонда интернет тизимини янада ривожлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикасидан 40 млн. АҚШ долларидан қарз олиш кўзлан эди. «Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасига кўра, ушбу маблағлар инвестиция лойиҳалари доирасида «Ўзбектелеком» АК томонидан тузиладиган, технологик ускуналар, дастурий таъминот ҳамда хизматлар кўрсатишни етказиб бериш учун импорт шартномалари қийматининг 100 фоизини тўлашга сарфланади». Хужжатда «5G технологиясини жорий этиш истиқболи билан телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш», «Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини кенгайтириш» ҳамда «Интернетга кенг полосали уланиш бўйича симсиз технологияларни жорий этиш» каби лойиҳалар ҳам назарда тутилган.



1-расм. Рақамли иқтисодиёт асосида виртуал муҳитнинг инфратузилмалар фаолиятига кириб бориши ва бизнес муҳитининг кенгайтириши механизми

Эътироф этиш керакки, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолиятини яхшилашда эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)ларнинг ҳам алоҳида аҳамияти борлигини алоҳида қайд этиш зарур. Айтиш пайтда республикамизнинг 12 та худудида 21 та эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)лар ташкил этилган бўлиб, улар орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш, худудларни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва иш ўринлари ташкил этишда кўшимча имкониятлар яратилди. 2019 йилнинг июнь ойидаги статистик маълумотларга кўра ЭИЗда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги 670 лойиҳа мавжуд бўлиб, 191 лойиҳа амалга оширилган ва бунинг натижасида 14 минг 539 янги иш ўрни ташкил этилган. Шунингдек, 185 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Бироқ, аксарият ҳолатларда ЭИЗ ва кичик саноат зоналари (КСЗ) вилоятларнинг энг чекка худудларида ташкиллаштирилганлиги сабабли ички автомобил йўллари, сув тармоғи, табиий газ қувурлари, умуман олганда, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашда муаммолар келиб чиқмоқда. Меъёрий ҳужжатларда эса бу каби муаммоларни қайси ташкилот молиялаштириш кераклиги қайд этилмаган. Натижада инвесторларнинг жалб этилишида ҳам қийинчиликлар юзага келмоқда. Масалан, «Туркия ва Хитойдан инвесторлар келиб, улар 100-150 гектар ерни олиб инвестиция киритмоқчи. Аммо мамлакатимизда соҳага оид қонуний асос йўқлигини айтишмоқда».

Фикримизча, бизнес муҳитини фаоллашувида эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) ҳамда кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳам муҳим аҳамият касб этса-да, уларнинг фаолиятини ташкиллаштиришда ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Хусусан, кичик бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёзлар ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича тегишли қонунчилик нормаларининг ижросини Навоий ва Тошкент вилоятлари мисолида ўрганилганда, соҳада муаммолар борлиги аниқланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инвесторлар капиталини кенгроқ жалб этиш мақсадида ЭИЗ ва КСЗлари фаолиятини эркинлаштиришдаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш керак. Аниқроғи, бугунги кунда амал қилаётган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ёки ушбу қонунни янги таҳрирда кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

ЭИЗ иштирокчилари томонидан хориждан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган хом ашёларга ва уларни қайта ишлаб сотиш натижасида ҳосил бўладиган кўшимча қийматга 20 фоизлик ставкада қўшилган қиймат солиғи тўланиши ЭИЗ худудида яратилган божхона ва солиқ имтиёзлари жозибдорлиги йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб бизнес муҳитининг (I_m) яхшиланишида рамзий маънода:

$$I_m = K_r + M_m + \text{Инф}_\phi + \text{Кор}_{\text{кк}}$$

кўринишидаги формулага мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Демак, бизнес муҳитини қулайлашувида қонунчиликни такомиллаштириш (K_r), малакали мутахассисларни (M_m) жалб этиш, инфратузилма фаолиятини (Инф_ϕ) яхшилаш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашиш ($\text{Кор}_{\text{кк}}$) муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бизнес муҳитини қулайлаштириш мақсадида инфратузилма фаолиятини кенгайтириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга жорий этиш зарур:

- маҳаллий шароитда ички капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва хорижий инвесторларни жалб этишни кучайтириш;
- МДХ мамлакатларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар филиалларини очиш;
- кўп тармоқли кичик бизнес субъектлари фаолияти таркибида инфратузилмалар шохобчалари ёки уларнинг шўъбаларини ташкил этиш;
- ҳудудларда (айниқса қишлоқ жойларида) инновацияли институтлар ташкил этиш ва улар фаолиятини кучайтириш: бизнес инкубаторлар, технопарклар, лизинг корхоналари, технологик ишлаб чиқариш марказлари сонини ошириш ва рақобатини ташкил этиш;
- бозор инфратузилмаси фаолиятини рағбатлантирувчи воситаларни ишга солиш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида маҳаллий бошқарув идораларининг ваколатларини фаоллаштириш;
- тадбиркорларга замонавий бизнес асосларини ўргатиш, бу бўйича алоҳида мустақил тадбиркорларга таълим бериш марказини ташкил этиш ва ОТМ ҳамкорлигида мутахассисларни жалб этган ҳолда ўқув курсларини жорий этиш;
- бозор инфратузилма объектларини фаоллаштириш ва унинг фаолиятини оммалаштириш мақсадида бозор инфратузилмаси фаолияти бўйича махсуслаштирилган адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш.

REFERENCES

1. Rakhmonovna M. D. A System of Government Regulation and Support Measures to Improve Small Business Governance in the Digital Economy //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2022. – Т. 14. – С. 93-97.
2. Rakhmonovna M. D. Foreign Experience In Regulating And Supporting Small Business By The State //Eurasian Journal of History, Geography and Economics. – 2022. – Т. 5. – С. 22-26.
3. Rakhmonovna M. D. TASKS AND SOLUTIONS TO IMPROVE SMALL BUSINESS IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY //Conferencious Online. – 2021. – С. 57-60
4. Rakhmonovna M. D. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT 2021
5. Rakhmonovna M. D. UNDERSTANDING THE ESSENCE OF ENTREPRENEURSHIP AND BUSINESS IS THE BASIS FOR IMPROVING SMALL BUSINESS MANAGEMENT
6. Makhmudova D., Kholikulov A. FINANCIAL SUPPORT OF SMALL BUSINESS AND PRIVATE ENTREPRENEURSHIP IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN //Интернаука. – 2020. – №. 4-3. – С. 38-39
7. Rakhmonovna, Makhmudova Dilbar. "RESEARCH PARK." (2021).
8. Dilbar, M. METHODOLOGICAL BASIS, FORMS, METHODS AND PROPERTIES OF SMALL BUSINESS AND ITS MANAGEMENT.

9. М.Д.Рахмоновна СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ МАЛЫМ БИЗНЕСОМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ. VIII Международная научно-практическая конференция «SCIENCE AND EDUCATION IN THE MODERN WORLD: CHALLENGES OF THE XXI CENTURY» 2021. Том. 2. С. 40-43
10. M.D Rakhmonovna “The Role and Importance of Small Business in Shaping the Digital Economy” American Journal of Economics and Business Management 4 (8), 82-90, 2021
11. D. Maxmudova “Рақамли иқтисодиётни шакллантириш асосида кичик бизнеснинг бошқарув тизимини такомиллаштириш” Science and innovation 1 (A5), 440-448, 2022
12. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A6), 516-523, 2022
13. D. Maxmudova “КИЧИК БИЗНЕС ВА УНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, ШАКЛЛАРИ, МЕТОДЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 435-445. 2022
14. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИШДА КАДРЛАР МАСАЛАСИ” Science and innovation 1 (A7), 446-450. 2022
15. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ” Science and innovation 1 (A7), 451-461. 2022
16. D. Maxmudova “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ” Science and innovation 1 (A7), 462-469. 2022
17. D. Maxmudova “ТАДБИРКОРЛИК ВА БИЗНЕСНИНГ МОҲИЯТИНИ АНГЛАШ, КИЧИК БИЗНЕС БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДИР” Science and innovation 1 (A7), 470-781. 2022
18. D. Maxmudova “ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕСНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ” Science and innovation 1 (A7), 482-488. 2022